

МУҲАММАД ЮСУФ ИЖОДИ ВА ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИ.

Шаҳноза Рўзиева

ЎзДСМИ кутубхона-ахборот фаолияти йўналиши 2 курс талабаси

Аннотация: Мақолада Муҳаммад Юсуфнинг ўзбек эстрада қўшиқчилиги ривожига қўшган ҳиссаси ва ватанпарварлик руҳидаги қўшиқларнинг аҳамияти, бугунги кундаги қўшиқчилик санъатидаги муаммолар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: шеърият, мустақиллик, қўшиқчилик санъати, ватанга муҳаббат, ҳалқчил ифодалар, ижодий бўшлиқ.

Аннотация: В статье анализируется вклад Мухаммада Юсуфа в развитие узбекского эстрадного пения, значение песен в духе патриотизма, проблемы современного певческого искусства.

Ключевые слова: поэзия, независимость, искусство пения, любовь к Родине, риторические высказывания, творческое пространство.

Abstract: The article analyzes Muhammad Yusuf's contribution to the development of Uzbek pop singing, the importance of songs in the spirit of patriotism, and the problems in today's singing art.

Key words: poetry, independence, the art of singing, love for the country, rhetorical expressions, creative space.

Шеърият бу дунё ичра сеҳрли бир диёр . Ижод вакилларини ўзга олам инсонлари деб ҳам аташлари бежиз эмас.Улар бу дунёни, яшаш мазмунини, умуман олганда инсоний туйғуларни оддий инсонларга қараганда теранроқ хис этадилар. Ижод бу яратган томонидан фақатгина танланган инсонларга берилган дард. Шеър эса манашу дарддан бахт яратишдир. Ижодкор шоир зоти борки унинг учун ижоди ўқилиши, қалблардан жой олиши, ижро қилиниши куйланишини тинглашдан ортиқроқ бахт йўқ. Муҳаммад Юсуф ана шундай бахтга эришган шоирлардан биридир.

Муҳаммад Юсуф ўзбек шеъриятига чақмоқ мисоли кириб келди. Унинг соддавор, халқчил тилда шу билан бир қаторда чуқур фалсафий руҳда ёзилган шеърлари кириб бормаган ўзбек хонадони қолмаган десак муболаға бўлмайди. Унинг ҳар бир шеърида ўзбекона самимият, меҳр, шавқат уфуриб туради.

Муҳаммад Юсуф нафақат шеърият балки ўзбек қўшиқчилиги санъатига ҳам улкан ҳисса қўшган ижодкордир. У қўшиқчи шоир эмас, унинг шеърлари ўз оҳангги билан дунёга келади. Қалбдан чиққан муҳаббатга йўғрилган сатрлар қалбларга етиб боради.

Аслида ватан мавзуси энг мураккаб мавзулардан бири. Ҳамма ижодкор ҳам бу мавзуда ижод қилиши мумкун, аммо маромига етказиш қийин. Сал бўрттириб

ёзса сохталашиб қолиши ёки сал камтарона ёзилса етарлича ҳиссиёт бермаслиги мумкун. Муҳаммад Юсуф эса бу борада соддалик билан ватанга бўлган муҳаббатини моҳирона тасвирлаб бера олган ижодкордир. Шунинг учун ҳам унинг ватан мавзусидаги ҳар бир шеъри юракларга мухрланган.

Бундан бир неча йиллар муқаддам мустақиллик тантаналари ва уларда куйланган аксар ҳолларда яқуний қисмда ижро этиладиган Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб қўшиқларни бир ёдга олсак. Уларни тингламаган, тинглаганда қалби титрамаган, қўшилиб куйламаган ўзбек бўлмаса керак. Масалан: Юлдуз Усмонова ижросида куйланган "Ўзингдан қўймасин ҳалқим" қўшиғини олайлик.

Қушдай учиб қучоғингдан дунё кездим,
Кезиб - кезиб топганларим соғинч бўлди.
Қанча олис кетсам шунча қадринг сездим,
Қайда бўлмай ёди меҳринг овунч бўлди.
Айланайин қора қошу кўзингдан-а,
Ўзингдан қўймасин, ҳалқим, ўзингдан-а.

Айланайин. Мана ҳақиқий ўзбекона чин муҳаббат изхорини таърифловчи сўз. Ҳар бир ўзбек бу сўзни айтар экан беихтиёр ватанга бўлган муҳаббатни ҳис қилади, нафақат ватан балки ватандошларига бўлган меҳр ҳам қалбида жўш урмай қолмайди.

Шоир фақатгина ватанни севиш билан чегараланиб қолмайди, балки ўша даврдаги муаммолардан ҳам бирга ўтишга, бир тану жон бўлишга чақиради.

Болдан ширин татир қора буғдойинг ҳам,
Ўзингдан бўлса гар шоҳу гадойинг ҳам.
Бир тану жон, бир-бирингдан рози юрсанг,
Худойим ҳам сендан рози, худойим ҳам.
Гоҳи ипак, гоҳи яктак, бўзингдан-а,
Ўзингдан қўймасин, ҳалқим, ўзингдан-а.
Эр бошига иш тушса ўт кечгувчидир,
Чидаймиз-да, бу заҳматлар ўткинчидир.
Ҳурлигинг ҳақ — қолган бари ўтаверсин,
Бу дунёда энг ёруғ бахт — эл тинчидир.
Айирмасин беминнат нон, тузингдан-а,
Ўзингдан қўймасин, ҳалқим, ўзингдан-а.

Шоирнинг шеърларини қалблардан жой олишига сабаб уларни халқчил усулда, содда аммо жўн бўлмаган тарзда ифода этишидир.

Ёки "Ёшлар мадҳияси" шеърини мисол келтиришимиз мумкун.
Оқ йўргакка ўрагансан ўзинг бизни
Оқ ювиб, оқ тарагансан ўзинг бизни.
Бешигимиз узра бедор она бўлиб,
Кунимизга ярагансан ўзинг бизни.
Адойинг бўлгаймиз сени Ўзбекистон!

Ҳеч кимга бермаймиз сени Ўзбекистон!

Бу шеърда ватан онага қиёсланади, уни бизни парваришлагани, чеккан захматлари айтиб ўтилиб, ўз навбатида биздан бир фарзанд сифатида авайлаб асраш, уни ёт қўлларга бериб қўймасликка даъват этилади. Хох шеър хох қўшиқ кўринишида бўлсин бу сатрлар юрак тубига етиб бормасдан ва дил хитоби бўлиб тилга кўчмасдан қолмайди.

Севара Назархон ижросидаги "Улуғимсан" қўшиғи ҳамон тинглаган дилларни ларзага солади, ширин титроқ билан жўр бўлишга ундайди.

Мен дунёни нима қилдим,
Ўзинг ёруғ жаҳоним,
Ўзим хоқон,
Ўзим султон,
Сен тахти Сулаймоним,
Ёлғизим,
Ягонам дейми,
Топинган кошонам дейми,
Ўзинг менинг улуғлардан
Улуғимсан, Ватаним...
Шодон куним гул отган сен,
Чечак отган изимга,
Нолон куним юпатган сен,
Юзинг босиб юзимга.
Синглим дейми,
Онам дейми,
Ҳамдарду ҳамхонам дейми,
Офтобдан ҳам ўзинг меҳри —
Илиғимсан, Ватаним.
Сен Хўжандсан,
Чингизларга
Дарбозасин очмаган,
Темур Малик орқасидан
Сирдарёга сакраган,
Муқаннасан қорачиғи
Оловларга сачраган,
Широқларни кўрган чўпон
Чўлиғимсан, Ватаним.
Ким Қашқарни қилди макон,
Ким Энасой томонда,
Жалолиддин — Курдистонда,
Бобуринг — Ҳиндистонда,
Бу қандай юз қаролиғ деб,

Ётарлар зимистонда,
Тарқаб кетган тўқсон олти
Уруғимсан, Ватаним...
Ўғлим, десанг осмонларга
Ғирот бўлиб учгайман,
Чамбил юртда Алпомишга
Навкар бўлиб тушгайман,
Падаркушдан пана қилиб
Улуғбегинг қучгайман,
Ғичир-ғичир тишимдаги
Сўлиғимсан, Ватаним...
Сен — шохлари осмонларга
Тегиб турган чинорим,
Ота десам,
Ўғлим деб, бош
Эгиб турган чинорим,
Кўйнимдаги ифтихорим,
Бўйнимдаги туморим,
Ўзинг менинг улуғлардан
Улуғимсан, Ватаним!

Шоирнинг нафақат ватан балки бошқа ҳар қандай мавзудаги шеърлари қўшиққа айланиб халқ кўнглидан жой олган ва ижрочиларига севимли бўлиш шарафини бергандир. Аслида шеър қўшиқ бўлиши учун ёзилмайди. У қалбдан ёзилсагина, қалбларга етиб боради ва қўшиқ қилиб куйланган тақдирда ҳам жозибасига путур етмайди аксинча ошади.

Бир қанча халқимизнинг севимли санъаткор хонандалари Муҳаммад Юсуф шеърларини куйлашган ва халқ меҳрини қозонишган. Булар марҳум хонандалар Муҳиддин Холиқов (“Қизғалдоқ”), Охунжон Мадалиев (“Сени бугун кўрмасам бўлмас”, Нуриддин Хайдаров (“Меҳр қолур”) ва хозир ҳам ижод қилиб келаётган Анвар Санаев (“Жуфти халолим”), Севара Назархон (Улуғимсан”), Дилдора Ниёзова (Ўзбекнинг аёллари”), Сарвара (“Чимилдиқ”), Жохонгир Отажонов (Аёл макри”), Озода Нурсаидова (Мухаббат”), Ғиёс Бойтоев (“Кўкламойим”) Юлдуз Усмонова (“Сени осмонимга олиб кетаман”) ва бошқа кўплаб хонандалар шулар жумласидандир. Уларнинг ижодида Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб тароналар талайгина. Уларнинг ҳар бирини ижодидаги шоир шеърларинг ўрни алоҳида бир мавзу. Уларни халққа танитган ва ташриф қоғози бўлиб хизмат қилган қўшиқлар айнан Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб шеърлар десак муболаға бўлмайди. Мазкур шоир ижодига мансуб қўшиқлар ҳамон севиб куйланмоқда ва тингланмоқда.

Юлдуз Усмонова ва марҳум хонанда Охунжон Мадалиев томонидан куйланган дует эса ҳам ўзбек эстрада санъатига ўзгача бир янгилик бўлиб

киргани рост. Шоир қисқа умр кўрсада ўзидан улкан маънавий мерос, умрбоқий шеърлар қолдирди.

Унинг миллий адабиётимиз ва маданиятимизни ривожлантириш, халқимиз маънавияти, онгу тафаккурини юксалтириш, ёш авлод қалбида ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини, эзгу фазилатларни камол топтириш борасида ёрқин истеъдоди, бетакрор бадий асарлари, ибратли ижтимоий фаолияти билан катта ҳисса қўшганини инобатга олиб унинг ижодини ўрганиш ва тарғиб қилиш ишлари йўлга қўйилган ва ҳамон амалга ошириб келинмоқда.

Бироқ бугунга келиб ватанпарварлик, юртга садоқат руҳида, инсоний хислатларини тараннум этувчи, миллий ғурурни янада оширувчи руҳда ёзилган шеърлар ва шундай шеърлар асосида куйланган қўшиқлар камайган, деярли йўқ. Ё муносиб ижод махсуллари йўқ ёки улар борку лекин куйланмаяпти. Аммо нима бўлганда ҳам бундай шеърларга ҳамон эҳтиёж бор. Хар хил ғоялар, кўринмас кучлар хар қадамда ёшларимизга таҳдид солиши мумкун бўлган бу даврда Муҳаммад Юсуф сингари шоир ва унинг ватанни севишга, унга фидо бўлишга, уни асраб авайлашга ундовчи шеърларига қайта - қайта мурожаат қилиш керак деб ўйлайман. Хозир кунда юзага келган бундай ижодий бўшлиқни фақатгина Муҳаммад Юсуф сингари ўлмас ижод соҳибининг асарлари билангина тўлдириш мумкун.

Зеро: “Аҳоли, аввало, униб-ўсиб келаётган фарзандларимизни турли бузғунчи ғоялар, маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустақкамлашда биз сизлар каби минглаб фидойи маданият ва санъат намояндаларига таянамиз”- деб презедентимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқларида бекорга таъкидламаганлар.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Юсуф М. Халқ бўл элим.- Тошкент: Ўзбекистон, 2007.-208 б.
2. Юсуф М. Осмонимга олиб кетаман: шеърлар.- Тошкент: Ёзувчи, 1997.- 144 б.
3. Юсуф М. Улуғимсан Ватаним.- Тошкент: Ижод дунёси, 2004.- 190 б.
4. [https:// qalampir.uz](https://qalampir.uz) “Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг санъат ва маданият ходимларига йўллаган табриги. 26. 08. 2023
5. https://t.me/Adabiyot_olami
6. [https://t.me/ MUHAMMAD_YUSUF_IJODI](https://t.me/MUHAMMAD_YUSUF_IJODI)
7. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ 27. 12. 2013 й. ПҚ-2102 // Халқ сўзи.-2013.- 28 дек.